



# ТОШКЕНТ



# О'QSHOMI

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 92 (9.742) 2002 йил 7 август, чоршанба

Сотувда эркин нархда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Ўзгача шукуҳ билан

Энг азиз ва энг Улуг байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Бугун ҳамма жойда шодибна тайёргарлик қизгин тус олган. Чунки мана ўн бир йилдирки Истиклол айёмини ўзгача ҳаяжон, ўзгача шукуҳ билан кутиб оламиз.

Бу йил ҳам байрамни ўзгача кўтаринлик, шоду ҳуррамлик билан кутиб олиш мақсадида ҳар бир соҳа ходими тайёргарликни авж олдириган. Хамшахарларимиз, хамюртларимиз ҳамда пойтахтимиз меҳмонларини ҳар йилгидек байрам томошасига, тантаналарнинг бошланиш масканига чорловчи — «Мустақиллик» майдонига ҳам бунёдкору нурчила, дурадгору пайвандчилар, саранжом-сариятликини таъминловчи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишчи-хизматчилари хамжихатликда ҳозирлик ишларини давом эттиришмоқда. Албатта, майдон шодибнага тайёрлаш, қуриш-тиклаш ишларини амалга ошириш масъулияти беш пудратчи—шахримиздаги «12-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорла-

ри зиммасига юклатилган. Бу борада ўзига хос тажрибага эга бўлган жамоа ишчи-хизматчилари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Уларга 52-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари пардозлаш юмушларида камарбаста бўлишпти. Айни кунларда майдонда кўлга қўйилган «Чунки мақсад вазифини тез ва соз адо этиш, байрамни муносиб кутиб олишди. Шуниси қувонарликки, бу ерга байрам кунни ташриф буюрган ҳар бир томошабин, кенг ва файзли саҳна мажмуасидан, қулай ва шинам ўриндиқлардан, майдон кўркига фойз бағишловчи миноралар ҳамда ранг-баранг чироклар, дилларга ажиб завқ улашувчи гулу чечаклардан баҳра олади, тантана шукуҳи эса дилларни қамрайди.

— Бунёдкорларимиз майдонни энг азиз ва кадрли айёмга ҳозирлар эканлар, дилларда бир ниёт ҳукмрондир, — дейди ишбоши Баҳодир Акбаров. — Бу ниёт кутлуг Мустақиллигимизнинг нақадар буюк неъмат эканлигини барчанинг кўнралидан бажаришмоқда. Яна бир неча кундан кейин саҳна атрофида кўк майса ҳамда турфа гул кўчатлари экишни бошлаб юборамиз. Майдонга 30 минг туп анвойи гуллар ўтказишни кўзда тутганмиз. Уларнинг жиноси қалбларга завқу шавқ улашиб, байрам кайфиятини ўн чандон ошириши шубҳасиз.

Сирасини айтганда, майдон Истиклолимизга ҳамоҳанг тарзда ўз жамолини кўрсатиб, у ердаги театрлаштирилган томошалар барча йўлчиларда, шу билан бирга уни «ойнаи ҳажон» орқали кузатиб турган ҳамюртларимизда мустақиллик йилларида кўлга киритган ютуқларимиздан фахрланish туйғусини уйғотиши, шубҳасиз. Қалбларимиздаги юртимизга муҳаббат, гурур ҳислари майдонда ўша кунни ўз муҳассамини топиши аник.

**Дилноза ҒИЁСОВА СУРАТЛАРДА:** Мустақиллик майдонига амалга оширилган қуриш-тиклаш ишларидан лавҳалар. **Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ** олган суратлар



## ҚИСҚА САТРАРДА

**ТОШКЕНТ** шаҳри ва Республикаси вилоятларидан Истиклолнинг 11 йиллиги асосий тантаналарида қатнашиш учун ташриф буюрган бадиий жамоалар тайёрлаган куй-қўшиқлар Бадиий кенгаш ҳамда тантаналарни ўтказувчи ташкилий қўмита аъзолари томонидан эшитиб кўрилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг япониялик шу соҳа мутасаддилари билан ҳамкорлиги натижасида «Тошкент—Токио—Осака» йўналишида самолётлар қатнови йўлга қўйилган бўлди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат техника уни-

верситети қошидаги Чилонзор академик лицейида телемарказ ҳамда «Зиё» деб номланган газета фаолият бошлади.

• **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ташкил этилганлиги 30 йил ўтди.

• **ШАХРИМИЗДАГИ** 185-мактабда мазкур илм даргоҳини 20 йил аввал тугаллаб мустақил ҳаётга йўлланма олган собиқ ўқувчиларнинг ўқитувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

• **БОРОВСКИЙ** номли тиббиёт коллежида Республика солиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз шифохоналарининг ҳамширалари иштирокида уюштирилган анжуман «Тиббиёт ривожидида оилавий ҳамшираларнинг роли» деб номланди.

• **ЎЗБЕКИНВЕСТ** экспорт-импорт суғурта миллий компаниясида

шахримиз корхоналари, фирмалари раҳбарлари иштирокида «Суғурта механизмларидан фойдаланиш» мавзусида семинар ўтказилди.

• **БЕКТЕМИР** туман «Сувмаш» корхонаси қошидаги 598-сонли «Зиллола» боғчасида жажжи кичкинтойлар иштирокида хайрия тадбири ва спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

• **БАДИЙ** Академиянинг Кўргазмалар залига ташриф буюрган пойтахтлик санъат илхосмандлари ўзбек-корейс рассомлари яратган асарлар кўргазмасини томоша қилишди.

• **ЎЗЭСКОПМАРКАЗДА** эса хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари махсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Япониядан келтирилган тиббиёт, таълим соҳаларига тегишли махсулотлар кўргазмаси ҳамшахарларимизда илқ таассурот қолдирди.

## ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Қадим ва табаррук юртимиз тупроғига Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улутбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуг мутафаккир ва алломалар сочиб кетган илму маърифат уруғи бугун сиз каби минглаб ёшларимиз тинимсизда янгитдан ҳосил бераётгани ҳар бир юрдошимизга юксак гурури-фитхор бахш этади.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига табригиндан).



## Билиб кўйки, сени Ватан кутади!

**Аёло мамлакатнинг аёло фарзанди Билиб кўйки, сени Ватан кутади.**

Дарҳақиқат, академик шоир Гафур Фуломнинг Ватан кутади деган сўзларида улкан маъно бор. озод ва обод Ватанимиз бағрида камол топиб, ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла рўёбга чиқариш иштиёқи билан ёниб яшаётган ёш авлод вакиллари келажагимизнинг ёрқин, умидли қолдўзари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари билан 1997 йилда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Унинг фаолияти халқимиз қалбидаги эзгу ва олижаноб интилишларнинг ёрқин ифодасидир.

«Умид» жамғармаси йўлланмаси билан ўтган давр мобайнида 785 нафар иқтидорли талаба Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Япония, АКШ, Канада сингари ривожланган давлатлардаги олий ўқув юртиларига бахаларлик ва магистрлик даражасини олиш учун ўқишга юборилди.

2002-2003 ўқув йиллари учун мазкур жамғарманинг танлов синовлари халқаро андозларга мос йўсинда амалга оширилди ҳамда 470 нафар даявогардан қирқ уч нафари чет эл олий ўқув юртиларида магистратура дастури бўйича таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Миллатимиз маънавий-маърифий ва маданий салоҳияти, заковати ва гурурини жонажон Ўзбекистонимиздан олисда ҳам муносиб намоян этган 500 нафардан зиёд йигит-қизларимиз ўқишларини муваффақиятли тамомлаб, мамлакат вазирилик, идора, ташкилот ҳамда корхоналарида самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

2002-2003 ўқув йилларида биринчи дил сўзларини қозоғга туширдик.

• **ИРОДА КОМИЛОВА**, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг халқаро бизнес факультети талабаси: — Жорий ўқув йилида «Умид» жамғармаси гранти соҳибаси бўлганидан жуда бахтиёрман. Мен бир йил давомида Буюк Британиянинг Гилфорд шаҳридаги «Саррей» университетиде ўқиниш давом эттирдим.

Келгусидаги орауим — она юртим корхоналарида бошқарув усулини замонавийлаштириш, умуман эзгу ниятнинг мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшишдир.

Мухаддас замин ҳисобланмиш юртимизнинг келажақ ворислари — ёшларимиз замонавийнинг энг илгор ютуқларини мукаммал эгаллаб, юксак билимлари билан халқимиз раванқи йўлида сидқидилдан, эзгу мақсадлар сари хизмат қиладилар, фарзандлик бурчларини бажонидил бажарадилар, деб умид қиламиз.

**МУҚАДДАС УМАРБЕКОВА, СУРАТДА:** «Умид» жамғармаси гранти соҳиб кутланмоқда.

Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика аҳолисининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётга, мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлари ва ўқув адабиётига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Китоб-савдо» акциядорлик жамиятларининг очик акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.
- «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясига китоб махсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи функцияси юклансин.
- Кўйидагилар «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин: республика китоб бозори конъюктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга ва бошқа босма махсулотларга бўлган эҳтиёжлари мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш; китоб махсулотларига бўлган эҳтиёжларни шакллантириш, шунингдек, дарсликлар ва ўқув адабиётига буюртмаларни шакллантиришда иштирок этиш; республика ҳудудида китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; китоблар ва бошқа босма махсулотлар жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек, уларни сотишни ташкил этиш; китоб махсулотлари кўргазма-ярмаркалари ташкил этиш, шунингдек, халқаро ярмаркаларда қатнашиш.
- Кўйидагилар: «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси; ҳодимларининг чекланган сони 18 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ҳодимлардан ташқари) «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати тузилмаси маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қискарттириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қискарттириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг оддини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қискарттириш чора-тадбирлари дастури маъқуллансин.
- Белгилансинки, 2002 йил 5 августдан бошлаб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибига давлат солиқ хизмати-нинг инкасса қилинадиган объектларда текиришни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар мажбурий тартибда киритилди.
- Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузурдаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши билан келишган ҳолда улгурчи ва чакана савдода, умумий
- овқатланиш ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумининг топиши-ни қондаларига риоя қили-нишни режадан ташқари тезкор текиришларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.
- Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари белги-ланган савдо ва нақд тушу-мининг топиши қондаларига бу-зилишининг солиқ органлари томонидан аниқланган ҳола-ри бўйича чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рўхсатно-маларнинг амал қилишини тўхтатишга бўлган қаттиқ чоралар кўрсинлар.
- 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб, мулкчилик шакллари-дан қатъи назар ҳўжалик юри-тувчи объектларга тижорат банкларидеги ўз ҳисоб ра-қамларидан нақд маблағлар-ни топирилган нақд тушум доирасида белгиланган тар-тибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 2-бетда)

## XXI ҲАСР Садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов **Кеча** Оқсаройда мамлакатимиздаги ўз дипломатик миссиясини муваффақиятли якунлаб, юртига қайтаётган Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаямани қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Киоко Накаяманинг Ўзбекистондаги фаолиятини юксак баҳолаб, унинг ўзбек-япон муносабатларини ривожлантиришда улкан улуши борлигини таъкидлади. Киоко Накаяма ўз миссиясини бажариши давомида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдирди.

• Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида йирик ва ўта муҳим сув иншоотлари ҳавфсиз ишлаши-ни таъминлаш ҳамда техник ҳолатини яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

• Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Олий ислом кенгаши раиси Шайх Муҳаммад Хишон Каббоний раҳбарлигидаги делегация аъзолари **Кеча** Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Шу кун меҳмонлар Тошкент Ислам университети-га ҳам ташриф буюрди.

• Қарши шаҳридаги Темирйўлчилар маданият саройида Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида дўстлик учрашуви бўлиб ўтди.

• **Кеча** Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти хомийлигида Урта Осиё республикалари ва Қозғистоннинг «Қишлоқ хўжалик хайвонлари генетик ресурсларини асраш бўйича 1-Давлат ҳисоботини тайёрлаш» масаласига бағишланган илмий-ўқув анжумани иш бошлади.

• Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамият-лари кенгашида «Ўзбекистон - Россия» дўстлик жамиятининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

• Наманганда бокс бўйича тўртинчи халқаро турнир якунланди.

• **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан сонияси-га 3-8 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳаво ҳарорати 39-41 даража иссиқ бўлди.

## Жаҳонда

• **Кеча** президентлик қасамёдини қабул қилган Боливиянинг янги сайланган Президенти Гонсало Санчес де Лосада мамлакатда жиддий ҳавф уйғотаётган ишсизлик муаммосига қарши кескин курашишга ваъда берди.

• БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Ироққа халқаро экспертларнинг бориши бўйича Бағдоднинг аниқ режаси-ни билиш мақсадида расмий хат юборишини билдир-ган.

• Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд Эронга уюштирган сафари чоғида АКШни Ироққа нисбатан уруш эълон қилмасликка чақирди.

• Россия ҳукумати Ироқнинг БМТ инспекторларини Бағдодга тақлиф этганини юқори баҳолади.

• Германия канцлери Герхард Шредер ўзи раҳбар-лик қилаётган Социал демократлар партияси йиғили-шида сўзга чиқиб, АКШнинг Ироққа нисбатан уруш очи-шига қарши эканлигини айтди.

• **Кеча** бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 10-фавк-улодда сессиясининг навбатдаги мажлисида Исроил-Фаластин можаросига бағишланган резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюцияда Исроил қўшинларининг Фаластин ҳудудидан олиб чиқиши ва Яқин Шарқда-ги зўравонликларини ҳамда террорчилик ҳаракатлари-ни тўхтатиш талаб қилинади.

• Исроил мудоффа вазири Биньямин Бен-Элиезер Иордан дарёсининг фарбий қирғоғидаги шимолий ҳудуд-лар ва Фазо секторидеги Рафах шаҳрини бутунлай қур-

шаб олиш ҳақида буйруқ берди.

• **Кеча** Чеченistonнинг Шатой тумани марказида чеченлардан иборат рота жангчилари тушган юк ма-шинаси портлатилди. Шунинг натижасида камиде 10 киши ҳалок бўлди ва 8 киши жароҳат олди.

• Америка харбийлари Гуантанамо (Куба) даги хар-бий денгиз базасига Афғонistonдан яна 34 асирини олиб келди. Шундай қилиб лагердаги асирлар сони айни пайтда 598 кишини ташкил қилмоқда.

• **Бугун** АКШ штаблар бошлиқлари бирлашган қўми-таси бошлигининг ўринбосари Киргизistonга кела-ди. Бишкекда ўтказиладиган музокаралар пайтида Ки-ргизistonга халқаро террорчилар тўдаларининг бос-тириб кириш эҳтимоли пайтида Американинг харбий ёрдами кўрсатилиши масаласи муҳокама этилади.

• АКШнинг Луизиана штати губернатори Майк Фо-стер штатда Нил безгаги тарқалиши муносабати бил-дан Фавқулодда вазият эълон қилди.

• Гаитининг Гонави шаҳридаги қамқоқнадан 159 нафар маҳбус қочиб кетди.

• Россиянинг Жанубий Сахалин минтақасида ер қимирлади. Унинг қучи Рихтер ўлчовида дярли 5 да-ражага етди.

• **Кеча** Япониянинг Хиросима шаҳрида иккинчи жа-ҳон урушининг охирида бу ерга атом бомбаси таш-ланганнинг 57 йиллиги муносабати билан мотам ма-росими бўлиб ўтди.

• Испаниянинг Валенсия муҳтор вилоятидаги Сан-та-Пола курорт шаҳрида динамит ўрнатилган автомо-билнинг портлаши оқибатида 8 ёшли қизалоқ ва 50 ёшли эркак киши оламдан кўз юмди ҳамда 25 киши жароҳатланди. **Кеча** бу ерда дафн маросими бўлиб ўтди.

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

## ҚАРОРИ

### Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)  
Белгилансинки, «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Иқро эътибори асосида қарор қилинган чора-тадбирларнинг амалга ошириш тартибига таъминланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фонди «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятининг акциялари давлат пакети, шунингдек, «Ўзқитобсавдо» таъминоти» акциядорлик жамияти мол-мулкнинг бир қисми ҳисобига шакллантирилади.

5. «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкил этишига доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш унв маъноси комиссия ташкил этилсин.

Махсус комиссия бир ой мuddатда «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишига доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқиши, устав фонди ва маъноси комиссия ташкил этишига доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш унв маъноси комиссия ташкил этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар

ҳокимликлари, «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси ва ахборот агентлиги бир ой мuddатда шаҳарлар ва туманларда қўшимча равишда очилмаган янги китоб дўканлари жойлаштирилиши белгилансин ва уларни китоб маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун яроқли бўлган бинолар билан таъминлаш масалаларини ҳал этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси китоб мулки ҳисобланган бинолар тақдим этилган тақдирда, 2002 йил охиригача уларни қайта баҳолаш ва «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятининг устав фондида қўйишга қўлайлигини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мuddатда илгари хусусийлаштирилган китоб

дўканлари томонидан савдо ихтисоси сақлаб қоллиниши тўғрисида тузилган шартномаларга риоя этилишини хатловдан ўтказсин. Қонда бузилиши аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан мулкка эгаллик ҳуқуқини берувчи давлат долатномасидан белгиланган тартибда маҳрум қилинган бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўлланын.

9. Ўзбекистон Республикаси ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш механизминини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тақдирлансин.

10. «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, республика «Маънавият ва маърифат» қенгаши, Мадааният ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ахборот агентлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази республика наشريётлари билан биргаликда бир ой мuddатда:

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 3 август.

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш; баддий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётга бўлган талабни мунтазам ўргатиш;

китоб маҳсулотлари мамлакатимиз наشريётлари томонидан чоп этилишини кенгайтириш хисобига аҳолининг маънавий эҳтиёжини қондириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

«Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси ахборот агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда республикада ва чет элда босиб чиқарилаётган баддий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётлар, шунингдек, мактаб ўқув анжомлари ва кўргазмаларни қўлланишнинг ямаркам-кўргазмалари мунтазам ўтказилишини (бир йилда камида бир марта) таъминласин.

11. Белгилансинки, китоб савдоси улгуржи ташкилотлари қўйилган қиймат солиғи тўлашдан овоз этилади.

12. «Ўзқитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчасида 30-уйга жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини У.Султонов зиммасига юксатсин.

И.КАРИМОВ

# ТАДБИРКОР

— Мамлакатимизда тадбиркорликка кичик ва ўрта бизнес ривожига қаратилаётган катта эътибор палатамиз ходимлари зиммасига масъулият юклатиб, бу борада ўзгача саъй-харакат кўрсатишга, изланишга, бизга

рени ташкил этишда ҳам фаол иштирок этаймиз. Бу аса корхоналарни малакали мутахассислар билан таъминлашда яхши самара берапти. Шунингдек, шаҳримизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларни

## Ишончни оқламоқ керак

Тадбиркор, айниқса илк фаолиятини бошлаган даврда моддий ҳамда маънавий кўмакка муҳтож бўлади. Ана шундай вақтда уни қўллаб-қувватлашда, химос қилишда, тўғри маслаҳатлар билан йўл кўрсатишда жойларда фаолият юртайётган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўзига хос ўрни бўлмоғи керак. Шундай вазиятларда тадбиркор унга ишонини, суянини, мадад олиши лозим. Миробод туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Александр ЛУКИН билан суҳбатимиз ҳам айнан уларнинг ўз ҳудудидagi тадбиркорларнинг ишини ривож топтиришда қўшаётган ҳиссаларини хусусида бўлди.

эл-юртга танитиш мақсадида бўлиб ўтаётган қўриқ-танлов, кўргазма ва фестивалларда фаол иштирок этаймиз. «Ташаббус» кўриқ-танлови, «Минитек-2002» замонавий технологиялар ва ускуналар кўргазмаси, шаҳар палатаси ва «Экосан» халқаро жағрамаси томонидан ташкил этилган «Экспонат» тадбиркорларимиз муваффақиятли қатнашдилар.

— Палата қошидаги ахборот маслаҳат маркази қандай хизматларни амалга оширапти?

— Палатамиз қошида ташкил этилган ахборот-маслаҳат маркази ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Марказ тадбиркорларга жорий йўл тан оилаарида 230 та маслаҳат ва консултация хизмати кўрсатди. Ушбу хизматлар бухгалтерия ва молия хисоботи, солиққа тортиш, қонуний-норматив ҳужжатларини давлат муассасаларига тақдим этиш йўналишлари бўйича амалга оширилди. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорларга кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 264 минг сўмини ташкил этди. Янги корхоналарни очиб ва рўйхатдан ўтказиш бўйича 87 та тадбиркор мурожаат қилди, шу жумладан 17 та тадбиркор шу масала юзасидан таъсис ҳужжатларини тайёрлаш бўйича

ча ахборот-маслаҳат маркази билан шартномалар тузишди.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда палатанинг роли қандай?

— 2002 йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастурига мувофиқ палатамиз уларга банклардан кредит олишда ва сармола лоийхаларини тайёрлашда тегишли ёрдамни кўрсатяпти. Утган ярим йил мобайнида туман ҳудудида жойлашган тижорат банклари томонидан жами 83 та, 4.350 380 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Буларнинг 5 таси узок мuddатли, 38 таси қисқа мuddатли, 40 таси микрокредитлардир. Шунингдек, «Демир» шўъба корхонаси, «Элга Азия» ва «Ўзксеркос» қўшма корхоналарига чет эл валютасида кредит бериш масаласи ҳал бўлмоқда. Палатамиз ходимлари доимий равишда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга хозирги кредитлаш тизими, уни олиш талаб ва шартлари, бу борада ҳужжатларини тайёрлаш тартиби ҳақида ахборот ва тушунтиришлар бериб боради.

— Тадбиркорларга тарқатилган «Текшириш рапортлари» қандай самара бермоқда?

— Албатта, ушбу китобнинг тарқатилиши ноқонуний текширувлар, тадбиркорларнинг ишларига беҳуда аралашуларнинг камайишига сабаб бўлди. Ушбу китобнинг тўлдирилиши доимий тарзда мониторинг қилинмоқда. Утган ярим йилда мутахассисларимиз 51 та текширувларда кузатувчи сифатида қатнашди. Туман солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳамда «Солиқ ва божино хабарлари» рўзномасининг эълонлари асосида ходимларимиз тадбиркорларга ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини режа асосидаги навбатдаги текширишлар ҳақида маълумот бериб боради.

Асосий мақсадимиз туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оқлида бўлиб ўтган муаммолар ечимини топишда ҳақиқий таянч бўлишидир. Бунга эришиш учун қўлимиздан келган барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Туман тадбиркорларининг мамлакатимиз иқтисодий раванқидаги хар бир улуши бу бизнинг энг катта ютуғимиз бўлади. Бунинг учун биз, энг аввало тадбиркор ишончини қозонмоғимиз лозим.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

пакетини берувчи компанияларнинг фаолиятига умумий ҳужалик раҳбарлигини бажариш, яъни соф бошқарувчилик уларнинг вазифасидир. Республикаимизда

холдинг компанияларнинг ҳуқуқий мақоми Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида белгиланади. Ушбу Низомга мувофиқ активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялар назорат пакети кирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади.

«Холдинг» ибораси инглизча «holding» сўзидан олинган бўлиб, эга маъносини англатади. Холдинг компанияси — бу мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари «акцияларнинг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятини устидан назорат ўрнатилиши ва дивидендлар кўринишида фойда олишидир.

Холдинг компанияларнинг моҳияти шундаки, улар бир бир ишлаб чиқариш вазибаларини бажаришмайди. Эътиқод (ишонч)ли мулк эгаси сифатида уларга ўз акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари «акцияларнинг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятини устидан назорат ўрнатилиши ва дивидендлар кўринишида фойда олишидир.

Холдинг компанияларнинг моҳияти шундаки, улар бир бир ишлаб чиқариш вазибаларини бажаришмайди. Эътиқод (ишонч)ли мулк эгаси сифатида уларга ўз акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари «акцияларнинг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятини устидан назорат ўрнатилиши ва дивидендлар кўринишида фойда олишидир.

Холдинг компанияларнинг моҳияти шундаки, улар бир бир ишлаб чиқариш вазибаларини бажаришмайди. Эътиқод (ишонч)ли мулк эгаси сифатида уларга ўз акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари «акцияларнинг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятини устидан назорат ўрнатилиши ва дивидендлар кўринишида фойда олишидир.

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

## ҚАРОРИ

### Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)  
4. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирилган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинсин.

Белгилансинки, 2002 йилнинг тўртинчи қоригидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, юридик шахслар ёлланб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, ушбу даромадлардан солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига хар чоракда тақдим этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бир ой мuddатда алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан, нақд пул берилиши бўйича ахборотларни электрон айлантириш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

6. Турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан нақд пул хисоб-китобларини амалга ошираётган яқна тартибдаги тадбиркорларга нисбатан корхоналар ва ташкилотлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган савдо қондалари бузилганлиги учун жавобгарликнинг қўйидаги чоралари белгилансин:

нақд пул тушуми аширилиши ҳолати аниқланган тақдирда, солиқ органининг қарорига

қўра, яширидан нақд пул тушуми миқдорда белгиланган тартибда жарима ундирилади; назорат-касса машиналари қўлланилмаган, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда, қвитанцияларнинг кўчирмасиз, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар берилмасдан, савдо қилинганда ва хизматлар кўрсатишда ундирилган сумма давлат бюджетига йўналтирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорда жарима ундирилади; жарима жазолари қўлланилганда кейин бир йил мобайнида такоррий ҳуқуқбўзарлик содир этилган тақдирда — энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорда жарима ундирилади.

7. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сонли қарори билан белгиланган юридик шахслар (товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни улгуржи етказиб берувчилар) томонидан товарларни улгуржи сотиш тартиби бузилганлиги учун, ҳужалик юритувчи субъектлардан ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ундириб олинад ва айбдор мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда шу миқдорда жарима солинад.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган яқна тартибдаги тадбиркорлар томо

нидан белгиланган савдо қондаларида сўзсиз ривоз этилиши таъминлини устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлиги, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилинишига алоҳида эътибор берилсин. Айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазага тортишга қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланынсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Молия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида тақриба тарзида пластик картчалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга бошқача-мосқоч ўтишни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябрда кредит пластик картчаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Тижорат банклари чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳужалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет картчалари қабул қилинишини таъминловчи терминаллар тармоғини кенгайтирсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 5 август.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплексли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлари ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўкнлари очилиш чора-тадбирларини кўрсин, улар аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Республикаси ахборот агентлиги билан биргаликда банкдан ташқари муомалани чеклаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳимлиги ва маъмуини, солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўйилмаслиги ва солиқ тўлашдан бўйин товланганлиги учун қазонинг муқаррарлигини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

мазкур қарор қондаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тақдирлансин; Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритилсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини У.Султонов зиммасига юксатсин.

Хар чоракда Ўзбекистон Республикасининг Президентини девонига ахборот берилсин.

И.КАРИМОВ

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

### Энг муҳими — самарадорлик

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика қенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шойбабураҳмонов олиб борди.

Йиғилишда Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқ ҳамда Республика Қенгаши томонидан тасдиқланган режанинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш бораида жойлардаги комиссиялар назорат органлари билан биргаликда амалга оширган ишлари таҳлил қилинди.

Хисобот даврида маъмувий тарзда 4796 текширишлар ўтказилган бўлсада, 2001 йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 40 фоизга қич қамайган. Шу жумладан учта текшириш режадан ташқари бўлиб, уларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича рухсат берилган. Текширишларнинг ўқдан бир қисми ҳукумат қарорларининг бажарилишида белгиланган меъёр ва қондалар бузилишининг олдини олиш, хусусан назорат-касса аппаратларидан тўғри фойдаланиш, маҳсулотлар сифати, давлат стандартларига риоя қилинишига йўналтирилган. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларнинг 71 фоизда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Натижада давлат бюджетига молиявий-иқтисодий қонунбузарликлар ҳисобидан қўшимча 7 миллиард сўмдан ортик маблағ ундирилган.

Шаҳар комиссияси йиғилишида ҳудудий комиссиянинг ҳисобот даврида амалга оширган тадбирлари тўғрисидаги ахборот ҳам тингиланди. Хусусан, жорий йилнинг иккинчи қоригада текширувларни қайд қилиш китобларининг тасвирчанлиги бўйича мониторинг уюштирилиши бу борада амалий ишлар қилинаётганини аниқлаб берди. Мониторинг қўпгина назорат органлари томонидан тадбиркорлик тузилмаларига нисбатан ноаниқликларга йўл қўйилаётганини кўрсатди. Назорат органлари томонидан асосий ва такоррий текширишлар ўтказилаётгани хусусида, шунингдек «Ишонч телерадио» орқали тадбиркорлар мурожаатлари қонунбузарликларини аниқлаб вақтида чора кўрилишига асос бўлмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳужалик юритувчи субъектларини текширишни ташкил қилиш тартибига оид тўғрисида»ги Фармони талабларининг бажарилишида назорат қилувчи органлар томонидан аксарият ҳолларда тегишли меъёрларга амал қилинмаслиги қайд этилган.

Шунингдек, йиғилишда жойлардаги назорат органлари ҳамда туман ҳудудий комиссиялари фаолиятини самарадорлигини ошириш бораида тавсиялар берилди.

Йиғилишда ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиниши тартибига солиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган қонунчилик таллабларининг Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармаси томонидан бажарилиши кўриб чиқилди. Таҳлилларга асосан шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан мазкур бошқарма мувофиқлаштирувчи орган сифатида иш олиб бориши, текширишлар тартибига солишга доир қонунчилик асосида ўтказилиши, жойлардаги бошқарма тузилмалари устидан қатъий назорат олиб бориш зарурлиги ҳамда қонун бузилишларига йўл қўйилмаслик чораларини кўриш алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

## Кўнгилдаги гаплар

### Айни мuddо бўлди

#### • Нуриддин АБДУКАРИМОВ, хусусий тадбиркор:

— Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорларга шарт-шароитлар яратишга жуда катта аҳамият берилаётгани сифатида янада кенгайтириш, сифатли маҳсулотлар тайёрлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратилишида муҳим омили бўлаётганини барчамиз кўриб туришимиз. Мана Республикасининг Президентининг қуни кеча Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодий ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузасида ҳам ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорлик хусусида алоҳида гапириб ўтилди.

Тадбиркорларга хар томонлама ёрдам бериш лозимлиги яна бир бор таъкидланган ҳолда, Президентимиз барча раҳбар ходимларнинг диққатини қўл жойларда одат тустига кириб қолган бир ҳолатга, яъни кичик ва ўрта бизнесга, умуман тадбиркорликка соғин ситир, деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш кераклигига қаратди.

Менимча, бу фикрдан жуда қўнчилиқ тадбиркорлар мамну бўлишди. Чунки бу айнан диддаги гаплар бўлди. Уйлайманки, бундай ҳолларга барҳам берилиши, тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим ҳисса бўлиши аниқ.

#### • Ҳар нарсининг ҳисоби бор

#### • Иқром НАЗИРОВ, кичик корхона раҳбари:

— Азал-азалдан ота-боболари тадбиркор ўтганлар. Албатта, бошқа юмшлар сингари, бу ишининг ҳам ўзига яраша машаққати, тинимсиз меҳнати ва роҳати бўлади. Тадбиркорлик билан ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар нарсаининг ҳисобини билишнинг шарт, хар бир тийини нимига сарфлаётганини аниқ бўлиши керак. Ана шунда қўзалаган мақсадга эришиш.

Тадбиркор, у корхона раҳбари бўлса, албатта замонавий технология асосида рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, бозорни ўрганиш бугуннинг талаби эканлигини англаган бўлиши керак. Турли айрим тадбиркорларимизда маблағ бор, имконият бор, лекин гоё йўқ. Қўнчилиқ иқтисодий ва ҳуқуқий билим етарли эмас. Улар уларига берилаётган бугунги имтиёزلарни тула англаб етмайди. Шунинг учун ҳам жойларда фаолият кўрсатаётган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тадбиркорлар билан узвий алоқада бўлса, хар бир чиқётган ҳужжат — фармон ва қарорларни уларга тушунтириб берса, шу билан бирга муаммоларини ечишда қамарбастлик қилса юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сафи ортади. Зеро бу бугунги бозор иқтисодиётининг асосий талаби. Чунки иқтисодий ривожда ўрта ва кичик бизнеснинг ўзига хос ўрни бор, янги ишчи ўринлари яратишда ҳам ҳисса катта. Шу боис ҳам биз тадбиркорлар бугун ана шу имкониятлардан оқилана фойдаланса, эл-юртининг фаровонлигини таъминлаш бўламиз.



## БҮНЁДКОРЛИК

Халқимизда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деган ажойиб нақл бор. Ҳақиқатан ҳам тиниб чиқариш, табиатдан баҳра олиш кайфиятингизни кўтариб, алоҳида куч-ғайрат бағишлаши табиий. Шукроналар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан жаннатмакон юртимизда жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсата оладиган оромгоҳу сихатгоҳлар, дам олиш зоналари ҳам сон жиҳатдан, ҳам намунали хизмат даражаси жиҳатдан ортди. Бу, албатта, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, яхши дам олишни ташкил этиш мақсадида амалга оширилган эзгу ишлардир.

# Чорвоқ бағридаги хушманзара маскан

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги нишонланадиган кутлуг кунларда эса яна бир салобатли иншоотлар мажмуаси — «Чорвоқ» оромгоҳи фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 сентябрдаги «Чимён-Чорвоқ курорт рекреация зонасининг табиий бойликлари ва соғломлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими 2001 йил 11 октябрда «Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг табиий бойликлари ва соғломлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Унда шаҳар ҳокимиятига қарашли бўлган «Чорвоқ» сув омборининг Бақачўл чўмилиш зонасини ободонлаштириш ишларини бажариш, ушбу ҳудуддаги қурилиш тугалланмаган 3 та бинони ва Чимёнда 100 ўринли меҳмонхонаси бўлган 3000 кишини қабул қилувчи жамоатчилик марказини қуриб битказиш кўзда тутилган эди.

Айни кунларда қурилиш-тиклаш ишлари ниятисига етказилаётган «Чорвоқ» сув омбори соҳилида «Чорвоқ» оромгоҳининг кўрган кўзларни қувнатувчи 3 та 7 қаватли пирамидасимон биноси ва 2 та меҳмонхонада бунёдкорлик юмушлари қизгин паллага кирган. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бюртомаси асосида шаҳар аҳолисининг мазмунли ҳордиқ чиқаришини назарда тутиб қад ростлаётган ушбу мажмуанинг бош пудратчиси пойтахтимиздаги «12-трест» хиссадорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўча колоннаси бунёдкорларидир. Бинолар лойиҳасини яратмишда эса Тошкент шаҳар лойиҳалаштириш ва қайта қуриш ҳамда Тошкент бош планини лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот институтларининг тажрибали мутахассислари бор билим ва маҳоратларини ишга солишди.

Ана шу лойиҳа асосида бунёдкорлик ишлари ўтган йилнинг охирида бошланган қурилиш майдонига бугунги кунда 1600 нафардан зиёд турли касб эгалари — моҳир қурувчи ва усталар, ҳайдовчи ва пайвандчилар, дурадгор ва гишт терувчилар, электрчи ва сантехниклар, кўйинги барча ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.






Қурилиш ишларида бош пудратчилар билан ҳамкорликда ўзсўвўжлиги вазирилик қошидаги қурилиш ташкилотлари «Метроқурилиш», «Ташгрессқурилиш», «Шаҳарйўлқурилиш», ободонлаштириш ва кўчаларнинг таъминлаш трестлари, «Санипласт» кўча корхонаси, «Элеком», «Шиаз», Туркиянинг «АРЕАС» фирмалари ишчи-хизматчилари меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, «12-трест» хиссадорлик жамиятига қамрашди 20, 50-қурилиш бошқарма-

лари. «Чимёнқурилиш» механизациялашган кўча колоннаси қурувчилари пардозлаш ишларини ҳам сифатли, ҳам тез боришида муҳим ҳисса қўшмоқда.

— Албатта, бундай масъулиятли юмушни адо этиш колоннаси қурувчилари зиммасига юкланганлиги беҳад фахрлидир, — дейди 2-механизациялашган кўча колонна бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамўхамедов. — Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек ушбу қурилиш майдонига бугун хар қачонгидан ҳам иш қийнамоқда. Бир томондан бунёдкорларимиз касб байрамларини муносиб қутиб олишга ҳар қат қилишга бўлса, иккинчидан иншоотни энг улуғ айём — Мустақиллигимизнинг 11 йиллик шодибенаси кунларида фойдаланишга топшириб, ҳамюртларимизга совға қилиш ниятимиз бор. Салобатли ушбу пирамидасимон 3 та (А.В.С) меҳмонхоналари 215 хонадан иборат бўлиб 377 та дам олувчи мўлжалланган. Шунингдек, яна иккита, ҳар бири 150 ўринга мўлжалланган меҳмонхоналарда ҳам қурилиш-тиклаш ва пардозлаш ишлари қизгин олиб бориляпти.

Ушбу мажмуа нафақат ашқиб қўриниши билан кишини мафтун этади, балки хоналарнинг таъминлаш даражасида, жаҳон андозаларига мос равишда пардозланиши ва жиҳозланиши билан ҳам ажралиб туради. Бу ерда дам олувчилар учун барча шароитлар муҳайё этилишини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. 900 томошабинга мўлжалланган ёзги театр, сув бўйида катта ресторан, унинг икки тарафида янги меъморчилик ечимидagi қаҳвахоналар, болалар ва катталар учун алоҳида чўмилиш ҳавзалари, сауна, бильярдхона, турли анжуманларга мўлжалланган зал, автотомобиллар учун тўхташ жойи, сув тўқинлари мажбурий меҳмуага ўрнатилган фаввора жойларини томоша қилиш учун мўлжалланган очик айвон, ечининг ва кийиниш хоналари, ижара пунктлари — буларнинг барча-барчаси кўнглини ҳордиқ чиқариш учун хизмат қилади. Чўмилиш учун мўлжалланган ҳудудда чўмилиувчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус қўтарув йўлаклари қурилмоқда. Биноларга ёзда салқинни, қишда иссиқни таъминловчи кондиционерлар ўрнатилган.

Мажмуада қурувчилар вақтдан унумли фойдаланиб ҳар



бир ишни кетма-кет уйдлашмоқда. Туркиянинг «АРЕАС» фирмаси ишчи-хизматчилари сафида ўзбекистонлик ёшлар ҳам муҳандислик тармоқларини ўрнатиш, пардозлаш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

— Фирмаимиз бунёдкорлари учун ушбу қурилиш ўзбекистондаги учинчи ишимиздир, — дейди фирманing республикамиздаги вакили, муҳандис-қурувчи Сергей Белгорян, — ўтган йилларда Самарқанд шаҳрида 2 та замонавий меҳмонхона қурилишида иштирок этдик, пойтахтдаги «Дўстлик» меҳмонхонасини қайта қуришда ҳам фаол қатнашяпмиз. Ушбу мажмуа хоналарини жиҳозлаш ҳам фирмаимиз зиммасида. Ҳозирда бу ерда меҳнат қилаётган 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларимизнинг кўпчилигини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Энг муҳими эса сифатга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Яна шуни ҳам алоҳида айтиш жоизки, «Чотқол» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Муҳиддин Ғиёсовнинг таъкидлашича, бу ердаги қурилиш ишларини мувофиқлаштиришда, яъни қурилиш материалларини вақтида таъминлаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишда уларнинг муҳим ҳиссалари бор. Шунингдек, бу ерда бинолар атрофини ободонлаштириш ва кўчаларнинг таъминлаш ишлари ҳам қизгин давом этмоқда. Сирасини айтганда, ҳар бир масъул ташкилот ўз вазифасини сидқидилдан, ягона мақсад билан бажармоқда.

Хуллас, ушбу сўлим оромгоҳ қурилиши ҳусусида ҳар қанча гапирсанг оз. Энг муҳими эса ҳадемай ушбу гўзал масканнинг ўз дам олувчиларига ҳақиқий ором бахш этишидир. Кўм-кўк мовий сув жилосида акс этиб кўзларни қувнатидиган ушбу мажмуанинг хизматлари ҳам кўринишига яраша дилларини яратиб, шубҳасиз, ўзбекистонимиздаги энг гўзал ва дилтортар оромгоҳлардан бири бўлади, албатта.

Шарифа ИЛЁСОВА



СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонидан лавҳалар. Нўмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## Фаолият сарҳисоб қилинди

Қуни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фуқрат Маҳмуджўев олиб борди. Йиғилишда кун тартибидagi 14 та масала кўриб чиқилди.

Жумладан, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ўтган вақт давомида қилинган ишлар, мажбурий камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими хомийлигида Болалар ташкилоти қошида «Камалак» марказини очиб, Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар, туман бўлими ходимлари ҳамда бошланғич ташкилот етакчиларини ўқитиш тўғрисида ҳамда етакчилик масалалар муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар чиқарилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Камолот» ЕИХ ташкилоти тилинганига эндигина бир йилдан ошган бўлсада, ҳаракат томонидан шу давр ичида кўпгина ишлар қилинди. Ҳаракатнинг 618 та бошланғич ташкилоти таркибига 223750 нафар ёшлар бирлашганлар. Бу эса ёшларнинг 43 фоизини ташкил этади.

Жами корхона, ташкилотларнинг 56,3 бошқа ташкилотларнинг 31,1 фоизиди, мактаблар, ўрта махсус ўқув юртли ва олий ўқув юртлиларида эса 100 фоиз бошланғич ташкилотлар тузилган.

Афсуски, ушбу бошланғич ташкилотларнинг айримлари деярли фаолият кўрсатмапти. Жами 318 та мактабнинг 56 таси, 118 ўрта махсус ўқув юртлирининг 20 таси, 29 та олий ўқув юртлирининг 22 таси намунали, 47 та мактаб, 13 та ўрта махсус, 2 та олий ўқув юртлиридаги бошланғич ташкилотлар қоникарсиз фаолият кўрсатмоқда.

444 та маҳаллаларнинг барчасида ёшлар билан ишлаш комиссиялари ташкил этилган. Маҳаллаларда фаолият кўрсатаятган сардорлар сони эса 403 та.

Ҳаракатнинг шаҳар бўлими Кенгаши томонидан шу йил 25 февралда тасдиқланган дастур асосида Миробод, Ҳамза, Чилонзор, Яқсарой туманларида спорт майдончалари барпо этилиб, қолган 7 та тумандаги майдончалар қурилишида ёшлар фаол қатнашмоқдалар.

Шу йилнинг баҳор ойлариди туман халқ таълими бўлимлари, туман «Камолот» ЕИХ ҳарбий қисм раҳбариятлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қотиб-и, Тошкент шаҳар ҳокимияти ишлар бошқаруви томонидан шаҳардаги умумтаълим мактаб ўқувчиларининг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардаги аскарлар билан учрашувлари ташкиллаштирилди ҳамда ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти фаолияти билан таништирув экскурсиялари

Болажонлар мазза қилиб дам олаётган ёз мавсумининг сўнги ойи ҳам бошланди. Бу дегани дам олиш билан бирга янги ўқув йилига ҳам ҳозирлик қилиш дегам. Лекин таътил кунлари билан хайрлашув кайфияти болаларни чулғаб олган. Уларнинг хаёли ҳануз бир нарсада — ёзининг ҳар бир дақиқасидан мароқли фойдаланиб, боғу роғлар, тоғлар қўйнидаги оромгоҳларда мазза қилиб дам олиш ёки ҳеч бўлмаганда шаҳар ичидagi анҳорларда чўмилиш.

Айни пайтда мутасадди ташкилотлар томонидан болаларнинг дам олиши учун яратилган шарт-шароитлар етарли даражада бўляптими? Ўқувчиларнинг таътил кунларида дам олишини таъминлаш бўйича шаҳар комиссиясининг галдаги йиғилиши шу мавзуда бўлиб, унда ўтган икки ой давомида оромгоҳларда қилинган ишлар таҳлил этилди ҳамда набатдаги мавсумда

Шу билан бирга, оромгоҳларда мунтазам ўтказилиб туриладиган текширувлар таҳлилига кўра, айрим жойларда болаларни соғломлаштириш ва дам олиши учун етарли даражада шарт-шароитлар яратиб берилмаган. Хусусан, «Гулбахор», «Бурчмулла», «Алоқачи» оромгоҳларида маънавий ва маърифий ишлар яхши ташкил этилмаган, айниқса қўрбхоналарда сўхашликка йўл қўйилган. Кайд қилинган ҳамда «Нихол», «Ёш куч», «Конструктор» оромгоҳларида дори-дармон захирасида, уларнинг сақланишида етишмовчиликлар мавжуд. Шунингдек «Метроқурувчи» оромгоҳида санитар тармоқлари носозлиги, «Зангори олов»да техник анжуманларида ҳавфсизлик таъминланмагани аниқланган. «Оқтош», «Шодлик», «Шарқ юлдузи» ва яна бир неча оромгоҳларда мутахассис кадрларни жалб қилишга лоқайдлик билан ёндошилган. Қолаверса, аксарият оромгоҳларда дам

олаётган болалар орасида 15-16 ёшдаги ўқувчилар борлиги аниқланган.

Оромгоҳда ишчи ташкиллаштиришда, кадрларни танлашда ва болаларнинг овқатланишини таъминлашда йўл қўйилган қатор камчиликлар учун «Нурфайзон» оромгоҳи раҳбари лавозимидан четлаштирилган.

Ўтган вақт мобайнида оромгоҳларда дам олиш учун талаб юқори бўлишига қарамадан, айрим қасаба кўмиталари томонидан йўлланмалар вақтида тақсимланмагани ҳоллари ҳам учраган. Чунки, июнь ойи бўйича оромгоҳлардан 10 фоиз ўрин фойдаланилмай қолган, бу дегани 1700га яқин бола соғломлаштирилмаган.

Комиссия йиғилишида айрим соҳа ходимлари қасаба уюшмалари шаҳар кўмиталари ишлари қоникарсиз деб қўрсатиб ўтилди ҳамда камчилик ва нуқсонларни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. Бундан ташқари ҳар бир оромгоҳга доимий равишда ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда болалар учун шароитларни талаб даражасида таъминлаш вазифаларини тармоқ қасаба уюшмалари ва тегишли корхоналар раҳбарлари зиммасида эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Мустақиллик байрами асосий тантаналарида қатнашадиган 940 нафар бола шай бўлган.

Бўстонлик туманида жойлашган 21 та оромгоҳлар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича спартакиада уюштирилган. Бундан ташқари 31 та оромгоҳда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан турли мавзударда, шу жумладан гиёвандликнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ташкиллаштирилмоқда. 11 та оромгоҳнинг болалардан ташкил қилинган ижодий гуруҳлари анъанавий «Чотқол» фестивалида қатнашади.

Мустақиллик байрами асосий тантаналарида қатнашадиган 940 нафар бола шай бўлган.

Бўстонлик туманида жойлашган 21 та оромгоҳлар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича спартакиада уюштирилган. Бундан ташқари 31 та оромгоҳда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан турли мавзударда, шу жумладан гиёвандликнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ташкиллаштирилмоқда. 11 та оромгоҳнинг болалардан ташкил қилинган ижодий гуруҳлари анъанавий «Чотқол» фестивалида қатнашади.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

олаётган болалар орасида 15-16 ёшдаги ўқувчилар борлиги аниқланган.

Оромгоҳда ишчи ташкиллаштиришда, кадрларни танлашда ва болаларнинг овқатланишини таъминлашда йўл қўйилган қатор камчиликлар учун «Нурфайзон» оромгоҳи раҳбари лавозимидан четлаштирилган.

Ўтган вақт мобайнида оромгоҳларда дам олиш учун талаб юқори бўлишига қарамадан, айрим қасаба кўмиталари томонидан йўлланмалар вақтида тақсимланмагани ҳоллари ҳам учраган. Чунки, июнь ойи бўйича оромгоҳлардан 10 фоиз ўрин фойдаланилмай қолган, бу дегани 1700га яқин бола соғломлаштирилмаган.

Комиссия йиғилишида айрим соҳа ходимлари қасаба уюшмалари шаҳар кўмиталари ишлари қоникарсиз деб қўрсатиб ўтилди ҳамда камчилик ва нуқсонларни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. Бундан ташқари ҳар бир оромгоҳга доимий равишда ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда болалар учун шароитларни талаб даражасида таъминлаш вазифаларини тармоқ қасаба уюшмалари ва тегишли корхоналар раҳбарлари зиммасида эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Мустақиллик байрами асосий тантаналарида қатнашадиган 940 нафар бола шай бўлган.

Бўстонлик туманида жойлашган 21 та оромгоҳлар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича спартакиада уюштирилган. Бундан ташқари 31 та оромгоҳда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан турли мавзударда, шу жумладан гиёвандликнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ташкиллаштирилмоқда. 11 та оромгоҳнинг болалардан ташкил қилинган ижодий гуруҳлари анъанавий «Чотқол» фестивалида қатнашади.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

Илгилли давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, камчиликларни яқин орада бартараф этишга келишиб олинди.

# ОЗ-ОЗ ЎЎТГАНИБ ДОМО БУЛАВ...

●Кайф-сафо хаёлга асосланади дейиш мумкин, саодат эса фақат ҳақиқатга асосланади.

●Бир ишни бошламасдан илгари уч нарса ни кўзда тутиш керак:

1. Ишнинг моҳиятидан яхши хабардор, уста бўлишдир. Агар уста бўлмаса, у ишдан фойда чиқмайди. Масалан: табобатдан хабарсиз киши табиблик қилса, касални ҳалокатга етказиши мумкин. 2. У ишнинг охирига етказиш учун сабр-тоқатли бўлиш, агар ишга қобилиятсиз, сабр-тоқатсиз бўлса, иш ўлда-жўлда бўлиб қолади. 3- ишга кириш вақти, замонини яхши билиш. Вақти келмасдан аввал шохкалоқлик билан бошланган иш унумсиз бўлади.

●Бугун ярим оч, ярим тўқ бўлиб қолиш — эртага номардир муҳтож бўлишдан яхшироқдир.

●Бир китоб, бир рисоладаги камчиликларни ёзувчидан кўра ўқувчилар яхшироқ биладилар.

●Номус, шухратни зое қилгандан кўра, ҳалок бўлиш афзалдир.

●Қадимги Эрон донишманди Бузургмехрдан: — Сиз бунча илмга нима ҳислатингиз билан эришдингиз? — деб сўради.

Бузургмехр жавоб берди: — Қарга жуда зийрак, эрта турадиган бир қуш, чўчка жуда хасис, очкўз ҳайвон, ит сабрли, чидамли, мушук эса тавозеъли ҳайвондир. Мен шулардан ибрат олиб, ялқов бўлмадим, эрталаб туриб ишга киришдим, меҳнатдан қочмадим, илм ўрганишга чанқоқ бўлдим. Илм йўлида ҳар бир оғирликка чидамим, сабр қилдим, юмшоқ сўзли, тавозеъли бўлдим. Мана шу хислатларнинг соясида илм ҳосил этдим. Мурод, мақсад ҳазиналари меҳнат кўприги устидадир.

●Муҳиддин ибн Арабий айтади: — Тамаъгир кишида тавфик бўлмайди. Ҳасад — ёмон хислатларнинг энг ёмонидир. Ҳаё кетса, бало келади. Олжаноб одам ўз шахсий фойдасини кўзлаб, бошқаларни ранжитмайди.

— Бир шоир айтади: Улуғлар хизматидан баҳра топмоқ истасанг ўғлон Уларнинг сўзларига сол қулонинг бўлмагил ҳайрон.

●Гўзал тадбир ва ҳийла соясида мушкул ишлар осон бўлади. Бунга бир мисол: Бир донишманд ўз бисотида бўлган олтинларини диёнатли такводор деб ном чиқарган бир дўкондор бойга омонат топшириб, сафарга чиқди. Бир неча ойдан кейин қайтиб келиб, бойдан омонатини талаб қилди. Бой дўк уриб: — Нега ёлғон сўзлайсан? Менга қачон омонат олтин топширдинг? Мен худудан қўрқаман, омонатга хиёнат қилмайман, бор, йўқол, менга тўхмат қилма — деб донишмандни қувлади. Орада бошланган шовқин-суронга одамлар йиғилиб донишманддан: — Бу дўкондор бой кўп такводор, диёнатли одам. Шундай сўфи одамга тўхмат қилишинг айб эмасми? Йўқол, кет, бўлмаса жазога гирифтор бўласан, — деб бечорани қувлаб юбордилар. Одамлар бойнинг ҳийла-найранларини билмай, пок, диёнатли деб ўйлардилар.

Донишманд ноилож шаҳар ҳокими ҳузурига бориб, воқеани бирма-бир баён қилди.

Шаҳар ҳокими: — Сиз уч кунгача ҳар кун бойнинг дўқони ёнида ўтиринг, тўртинчи кун мен дўкон ёнидан ўтаман, сизга салом бериб, ҳол-аҳвол сўрайман, сиз фақат меннинг саломимга жавоб бериб, бошқа сўз айтманг. Мен кетганимдан кейин бойдан олтинларингизни талаб қилинг, кейин бой қандай муомала қилган бўлса, менга келиб айтинг, — деди.

Донишманд шаҳар ҳокимининг берган маслаҳатига амал қилиб, уч кунгача ҳар кун бойнинг дўқони ёнига келиб ўтираверди.

Тўртинчи кун шаҳар ҳокими отга миниб, бойнинг дўқони ёнидан одамлари билан ўтди. Дўкон ёнида ўтирган донишманднинг ёнига келиб отини тўхтади, донишмандга салом бериб: — Дўстим донишманд, сизга нима бўлди? Ёнимга ҳеч бир келмай кетдингиз, ким сизни хафа қилди? Эртага ёнимга келинг, ҳолю аҳволингиздан хабар бериб, суҳбатингиздан бизни маҳрум қилманг, — деди.

Донишманд шаҳар бошлигининг саломига жавоб бериб, бошқа ҳеч нарса демай, унинг сўзларига фақат бошини лиқиллатиб қўйди.

Дўкончи бой шаҳар бошлигининг донишмандга қилган муомаласини кўриб жуда кўрқиб турарди. Шаҳар бошлиги қайтиб кетгандан кейин у донишманднинг ёнига келиб, қўл қовуштириб, салом берди, дўқонига олиб келиб зиёфат қилиб айтди: — Биродар, олтинларингизни қайси вақтда ва қайси жойда менга топширгансиз, айтинг, эҳтимол унутганман.

Донишманд бўлган ишнинг ҳаммасини баён қилди. Бой: — Тўри айтасиз, олтинларингизни менга топширган эдингиз, энди эсимга тушди, — деб донишманднинг олтинларини олиб чиқди. Кейин кўп узрлар айтиб унга топширди. Шундай қилиб, шаҳар ҳокимининг гўзал тадбири орқасидан донишманд олтинларига эга бўлди. Бойнинг хиёнат халқ орасида машҳур бўлиб, ҳамма дин пардаси остига беркиниб, уларини такводор, диндор кўрсатган хиёнатчиларга ишонмайдиган бўлдилар. Бой шарманда бўлгандан кейин бир шоир айтди: — Бой, энди бориб додингни айтгил у худого, Ким, солди сени ўз амалингдан бў балаго.

●Бир кўр одам Лўқмони ҳақимининг ҳузурига келибди: — Эй Лўқмон, кўзимни очингизни ўтинаман, — деган эди. Лўқмон унга: — Кўзингизнинг пардасини очиниш мумкин, лекин ибрат кўзингизни очиб қўлимдан келмайди, — деди. Кўр: — Эй Лўқмон, сизнинг шухратингиз фақат пардани очиндан иборат бўлса, сизни ҳақим, донишманд демай, фақат табиб дейиш лозим экан, — деб Лўқмоннинг ибрат кўзини очган экан.

# ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## Қарияларни қадрлаш — эзгу бурчимиз

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яқсарой туман бўлими кенгаши ва туман «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб Халқ амалии санъати музейида ўтказилган тадбир худди мана шундай номланди.

Табаррук кексаларнинг турмуш тажрибалари, бой ҳаётий сабоқлари, маслаҳатлари, йўл-йўриқлари ёшлар учун катта хазинадир.

— Кекса ота-оналаримизни, нуруний қарияларимизни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш халқимизга азиздан мерос, — деди тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими ўринбосари Рашид Иноғомов. — Биз ёшларимизга мана шу фазилатларни ёшлардан сингдириб боришимиз лозим. Токи, нуруний, қариянда кўмакка муҳтож отахон-онахонларимизни ёшлар иззат-ҳурмат қилсинлар, улар учун қўлдан келган ёрдамларини беминнат беришни ўрганинлар.

Шунингдек тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, созагар уста Абдунаби Абдуғафоров, Ю. Ражабий махалласидан заргар уста Фахриддин Хадимжамедов, ёш расом Ориф Муновоқлар ҳам ёшлар аввало ўзидан катталарни, биринчи гада кексаларни ҳурмат қилишлари лозимлигини таъкидлаб, ўз ҳаёт йўллари, бой турмуш тажрибаларидан сўзлаб бердилар.

Кечада иштирок этган тумандаги мактабга тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг шўх ашула ва ўйинлари даврага ўзгача руҳ, ҳуш кайфият бағишладди.

Тадбир сўнггида барча йиғилганлар музейни айланиб халқ амалии санъати намуналарини томоша қилдилар. Туман ҳокимлиги томонидан эскилик совғалари берилганда кексаларимиз кўрсатилётган эътибор, ғамхўрлик учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар. Ортимизга тинчлик, хотиржамлик тилаб дуога қўл очдилар.

Азиза ИЛХОМОВА

## Соғломлаштириш масканлари қурилмоқда

«ТашГРЭСқурилиш» бошқармаси бўёқкорлари катта қурилиш ишлар билан шуғулланмоқдалар.

Қўли бу моҳир бўёқкорлар дам олиш уйлари, пансионатлар қуриш борасида ҳам бой тажриба орттиришган. Шу сабабли ҳам бошқарма зиммасига «Чорвоқ» сув омборининг сўл қирғоғида бунёд этилаётган йирик иншоотларни қуриш ишониб топширилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги бу сўлим ҳудудда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон металлургия комбинати металлургиялари учун қурилаётган пансионат ҳам шу яқин орада фойдаланишга топширилади. Қурилиш бошқармасининг илгор қурилиш бригадаси бу ерда яна қўшимча ишларни амалга оширади.

Бундан ташқари бундай соғломлаштириш даргоҳи Навоий кон-металлургия комбинати учун ҳам қурилмоқда.

Қисқаси, Чорвоқ сув омбори ён-атрофи меҳнатқашларнинг дам олиш ва соғломлаштириш зонасига айланиб бормоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимизда Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи, яъни ўқитишнинг сифат даражасини кўтариш жараёни амалга оширилаётган бир пайтда барча соҳалар қатори маданият ва санъат ўқув юртиларида эришилаётган муваффақиятлар ҳам эътиборга лойиқ.

## Муваффақиятлар самараси

Бунга Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусика коллежининг иш фаолиятини мисол қилиш мумкин. Мазкур коллеж 2001 йилда Мексиканинг халқаро «Олтин кўёш» белгиси билан тақдирланган эди. Эндиликда коллежининг II курс ўқувчиси Анна Захарова Руминиянинг Кельн шаҳридаги Хошуле Фюрмиюзик олий мусика мактаби профессори Арбо Валди жанобларидан ўқитишни Германияда давом эттириши мумкинлиги тўғрисида таклифнома келди.

Ташкил топганига етмиш саккиз йил бўлдики, Ҳамза номидаги мусика билим юрти халқаро миқёсда бу даражада эътироф этилмаган. Мустақиллигимиз шарофати тўғрисида барча соҳалар қатори мусика санъатида ҳам Ўзбекистонимиз шухратини бутун дунёга танитадиган ёшларимиз борлигидан ва уларга тўла имкониятлар яратилаётганлигидан фخرлансак арзийди.

Садбархон ЖҲРАЕВА

## МУСОҲАБА

# Чиройли муомала ҳам даво

Одамлар дарёси оқар ёнимдан, Қарайман: Ҳамма -ҳаммаси таниш. Билмайман исмин ҳам, касбин ҳам, аммо, Биламан, бариди буюк интилиш: Эртани бугунга келтириш учун Бурундан гўзалроқ дамга шошади. Ҳаётда ҳали ҳеч тарих кўрмаган Зафар китобидан варақ очади.

Шоира Зулфиянинг гўзал мисраларида она Ўзбекистонимиз — мустақил юрт кишиларининг ҳаракати жозибали акс эттирилган. Дарҳақиқат замонларимиз ўзига хос ҳаёт йўлига, турмуш тарзига, касб-корга, бир-бирига ўхшамган характерларга эга инсонлардир.

Бугунги суҳбатдошимиз халқимиз соғлиги заҳматқашларидан бири, ўз ишига, касбига садоқат билан эл назарига тушган олий тоифали шифокор, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати ҳамда 17-шаҳар клиник шифохонасининг бош шифокори Бахтиёр Абдуллаев.

— Бахтиёр Рустамович, давтаввал шифохонанинг иш фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— 17-шаҳар клиник шифохонаси 1967 йилда эски интернат ўрнидаги бинода ташкил топган. Ҳозирги кунда эса 250 ўринли замонавий жиҳозлар билан таъминланган саккизта бўлимдан иборат клиник шифохоналардан биридир.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Юнусобод туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳамда кўмағида шифохонанинг IV корпуси қайта таъмирланди ва тўлиқ техник жиҳозланди. Касалхона замонавий тиббиёт анжумлари УЗД, компьютерли рентген аппарати, ЭХО энцефалограф, компьютерли ЭКГ аппаратлари билан таъминланган. Клиник шифохона ҳовлиси ободонлаштирилиб, микроклими яхшилаш мақсадида фаввора қурилиб, ишга туширилди.

— Аҳолига кўрсатилаётган малакали тиббий хизматнинг янги усуллари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Жаннатмонанд юртимиз Ўзбекистонда мустақиллик тўғрисида барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам тадбиркорлик билан иш юритиш замон талабидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан шифохонамизда 65 та ўз-ўзини молиялаштириш ўринлари беморларга махсус малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Тиббиёт ходимларига ишонч билдириб, умид билан шифо излаб келаётган беморлар дардида малҳам бўлаётган ўз касбининг фидойилари бўлган жамоанинг малакали шифокорларидан олтимиз тўққиз нафари тоифали саломатлик посбонларидир.

Жумладан, касалхонада Тошкент Шифокорлар малакасини ошириш институтининг ҳамда Тошкент Педиатрия институтининг кафедралари жойлашган. Бундан қўзда тутилган мақсад тиббий ходимларнинг билим савиясини ошириш, даволашда замонавий илм-фан янгиликларини татбиқ этиш орқали беморларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишдир.

— Бахтиёр Рустамович, депутатлик ваколатингиздан фойдаланиб, аҳолига малакали хизмат кўрсатиш борасида қандай ишларни амалга оширдигиз ва қандай самараларга эришдигиз?..

— Халқимизда азал-азалдан ҳайрли ва савобли ишларни амалга ошириш, кексаларга иззат-ҳурматда бўлиш яхши анъанага айланган. Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши урф-одатларимиз, қадриятларимизнинг янада тикланишига, кекса авлод вақилларига кўрсатиладиган саховат, меҳриқабатнинг яна бир лоғона юқори кўтарилишига сабаб бўлди. Бино-

## ҲУРМАТЛИ ҲАМ-ШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳрининг барча туманларида 2002 йил 1 августдан 1 октябргача янги ўқув йили бошланиши муносабати билан «Мактаб бозорлари» ташкил этилади.

Ўқувчиларга ўқув-ёзув қўлланмалари, болалар кийим-кечаклари, пойабзаллар ва бошқа саноат молларини харид қилиш учун Сизни туманлардаги марказий «мактаб бозорларига» таклиф этамиз:

- А. Икромов тумани** — Чилонзор 9г-мавзе, «Собит хожи» дўкони олдида,
  - Бектемир тумани** — Сувчи даҳаси, Ҳ. Бойқаро кўчаси, «Сид» масъулият чекланган жамияти дўкони олдида,
  - Миробод тумани** — Ўзбекистон кўчаси 45, «Тошкент универмаги» худудидаги майдонда,
  - М. Улуғбек тумани** — метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати, БИЙ кўчаси, 103-уй олдида,
  - С. Раҳимов тумани** — метронинг «Беруний» бекати, Миллий университет томонида,
  - Сергели тумани** — Сергели-8 «Сергели» супермаркети олдида,
  - Чилонзор тумани** — Чилонзор кўчаси 55, «Чилонзор савдо маркази» ичида ва олдида,
  - Ҳамза тумани** — Й. Охунбоев кўчаси, А. Темур автобус бекати олдида,
  - Шайхонтохур тумани** — А. Навоий кўчаси, 30-уй олдида (ўрна-тилган савдо расталарида),
  - Юнусобод тумани** — «Юнусобод саховат» дўкони олдида,
  - Яқсарой тумани** — У. Носир кўчаси, «Саодат СМ» дўкони олдида.
- Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги «Чорсу буюм бозори», «Отчопар буюм бозори», «Паркент бозори», «А. Дониш бозори» ва бошқа бозорлар худудларида ҳам тадбиркорлар томонидан юқорида кўрсатилган моллар билан кенг миқдорда савдо ташкил этилади.

**МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**  
Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти.



барин, депутатлигим сабабли йигирма саккиз нафар сайловчи асосан тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ҳозирги кунга қадар уларнинг йигирма беш нафарига малакали тиббиёт хизмати кўрсатилди. Махалла аҳолиси ҳамда беморлар тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида милиция пунктига бино ажратилди.

Жорий йилнинг беш ойи давомида шифохонада 3328 нафар бемор малакали даволанди, режа бир юз йигирма фоизга бажарилди. Даволаш ишлари билан бир қаторда тиббиёт ходимлари орасида маънавият ва маърифат ишларини ривожлантиришга эътибор кўчатирилмоқда.

— Шифохонада касбини санъат даражасига кўтарган шифокорлар фаолият кўрсатувчи жарроҳлик бўлимида косметик камчиликларни тўғрилаш учун мурожаат қилувчи беморларга қандай тиббий хизмат кўрсатилади?

— Шифохонада замонавий тиббиёт усуллари ёрдамида ҳамда малакали, фидойи шифокорлар, ҳамширалар ўз дардида даво излаб келган беморларнинг нафақат тиббий муолажалар, дори-дармонлари, балки ширин сўзлари, чиройли муомалалари билан ҳам даволайди. Муолажалар ўз вақтида белгиланиши, айнакча, давтаввал касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамкорликда ўрганилиши, аниқланишининг аҳамияти беқиёсдир.

Жарроҳлик бўлимида ангиололариди суюқ пластикиси, уч шохли асаб-неврити жарроҳлик йўли билан даволанди. Пастки жағнинг остеоинтези ҳамда пастки жағ пластикиси усуллари билан беморлардаги косметик камчиликлар тўғриланмоқда.

— Бахтиёр Рустамович, касалланиш кўрсаткичларининг тахлили асосида аҳоли ўртасида қайси касаллик турлари кўпроқ учрамоқда ва тиббиёт ходимларининг уларга муносабати ҳақида тўхталсангиз?..

— Шифохонамизда бир неча йиллардан бери кўпроқ тезкор йўналишда малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ошқозон-ичакдан қон кетиши, миокард инфаркти ёшларда ҳам учрай бошлагани ҳар бир шифокордан катта масъулият талаб этади. Худди шу йўналишда гивандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш юзасидан тузилган режа тегишли муассасалар ҳамда Тошкент шаҳар депутатлари Кенгашига тақдим этилди.

Бахтли оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларимизни оила қуришга тайёрлаш жараёнида тиббий қўриқдан ўтказиш, даволан, наслдан наслга ўтувчи касалликларнинг олдини олиш йўналишида кўп ишлашга тўғри келади. Самарали ишлаётган тиббиёт марказлари фаолиятини оммага етказиш, шифокорлар малакасини оила шифокори йўналишида ошириш каби ишлар ҳозирги кун талабидан келиб чиқиб амалга оширилиши мумкин.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди. СУРАТЛАРДА: касалхонанинг бош шифокори Бахтиёр Абдуллаев, кардиология бўлими мудири М.Қосимова ва ҳамшира С.Халиқовалар; ҳамширалар М.Рақоқова, Г.Йўлдошева ва Ш.Самдўжаевалар беморлар билан муолажа хоналарида. Сергей Лубич олган суратлар.

## ШАҲМАТ ОЛАМИДА

### Маҳоратингизни

### синаб кўринг

Шахмат ўйинида шундай вазиятлар содир бўладики, баъзан баҳс ниҳоясида томонларда руҳ билан от ёки руҳ, фил ва пйёда қолади. Бундай пайтларда учрашув тақдирини юзага келган ҳолатга ёки шахмат назариясига кўпроқ аҳамият берган шахматчи маҳорати, унинг аниқ билан пухта ўйнаши ҳал қилади. Бунга қуйидаги партияда ҳам мисол сифатида кўришимиз мумкин.

Авалло биринчи диаграммага назар солайлик.



Қаранг, оқларда фил билан от, қораларда эса фарзин қолган. Бир қараганда қоралар галаба қозониши мумкиндек кўринади. Бироқ учрашув тақдирини оқларнинг қандай юришига боғлиқ. От чиройли бир юриш қилиб, қоралар шохининг оқлар шохига яқинлашишига имкон бермайди. Натижада учрашув дуранг билан тугайди.

Бунга қандай эришилади?

Вазиятни бир таҳлил қилиб кўринг-чи?!

Иккинчи диаграммада эса оқлар бошлаб тўрт юришда мот қилади.

Анвар ИНОКОВ, шахмат бўйича спорт усталигига номзод.



## Туркум тўпламлар чоп этилмоқда

Республикамиз пойтахти Тошкент ўзининг гўзал таровати ва меҳриги билан ижод аҳлини илҳомлантириб келмоқда. Шаҳримизни мадҳ этувчи нафосатга тўла шеърлар ҳам кўплаб яратилмоқда.

«Тошкент шоирлари лирикаси» деб номланган туркум тўпламлар чоп этишга киришилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Бундай ўқимли шеърий китобларни чоп этишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Истоки» адабий-ижодий бирлашманинг саяё-ҳаракати муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур туркумда чоп этилган дастлабки икки тўплам машҳур рус шоирлари Пушкин ва Есенин шеърлигига бағишланди.

Яқинда нашрдан чиққан навбатдаги тўпламдан эса шоир Александр Файнбергининг талайгина шеърлари ўрин олди. Уни Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» наشريёти босиб чиқарди.

Аббос АХМЕДОВ

## Осиё чемпионатидан — улкан зафар билан!

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида икки кун давомида таъқвондорнинг ИТФ йўналиши бўйича Осиё очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон, Малайзия, Покистон, Қозоғистон каби Осиё мамлакатлари билан бир қаторда Австралия, Россия каби бошқа китъа вақиллари ҳам галаба учун кураш олиб боришди.

Мамлакатимиз таъқвончилари чемпионатда ўзларининг катта маҳорат ва бой тажрибаларини намойиш этиб улкан зафар қўчишди ва 28 та медалга эга бўлишди. Яъни яқка кураш усталаримиз 14 та олтин, 9 та кумуш ва 5 та бронза нишонларини қўлга киритишди.

Айниқса кўргазмалли чиқиш соҳибномли тил баҳсларида юртдошларимиз катта устунликка эришди. Жумладан 1 дан соҳибни Михаил Чистяков шахсий тил бўйича барча рақибларидан устун келган ҳолда илк олтин нишон билан тақдирланди. 3 дан соҳибни Леонид Ли, 4 дан соҳибни В. Кимлар ҳам Осиё чемпионлари бўлишди.

Қизлар баҳсида ҳам шахсий тил беллашувларида Шахноза Шукуржонова голиб чиқди.

Жамовий кўргазмалли чиқишлар бўйича ҳам эркаклар, ҳам аёллар жамоаларимиз умумоманд хисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Шахсий масоғи (яқма-яқка кураш) йўналишида 54 килограммга вазида Фустам Ҳамроев, 80 килограммга вазида Дилшод Мирбоев, 80 килограммдан ортиқ спортчилар ўртасида Акмал Эргашев, аёллар ўртасида 64 ва 70 килограммдан юқори вазида В. Дазирова ва А. Кимлар ҳурмат шохуспасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Мутлақ вазидаги баҳсларда Акмал Эргашев голиб чиққан бўлса, Алевтина Ким учинчи бўлди.

Ҳозир таъқвончиларимиз Бухорода ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ва Аргентинада бўладиган жаҳон Кубоги баҳсларига тайёрларлик кўришмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

(Ўз мухбиримиз)



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**Телефонлар:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
**«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.